



Бу йили машхур тасаввуф арбоби ал-Хусайн ибн Мансур ал-Халлож ўлдирилиб, ёкиб юборилди. Хусайн ибн Мансур илк даврларида жуда такводор бир сўфий эканини намоён килган ва халкка кўплаб кароматлар кўрсатган: киш мевасини ёзда, ёз мевасини кишда топиб уларга едирган, кўлини хавога кўтариб туширганда кафтда пуллар пайдо бўлгани кўрилган. Бу пулларда «Кул хуваллоху ахад» (Айт: У Зот Аллох бир зотдир) (Ихлос сураси, 1-оят) деган ибора ёзилгани айтилар эди. У бу пулларга «кудрат дирхамлари» деб ном берган.

Шунингдек, у халкка уларнинг уйларида еган-ичганларини, килган ишларини айтиб берган ва уларнинг кўнглидан ўтган нарсаларни баён килган. Унинг бу ҳолатлари сабабли кўп одамлар унга алданиб атрофига тўпланган ва У Зот (яъни Аллох) унда ҳулул килганига ишона бошлаган эдилар. Шу тариқа одамлар ҳазрати Масих (а.с.) ҳақида ихтилофга тушганлари каби, у ҳақда ҳам ихтилофга бордилар.

Улардан баъзилари У Зот (Аллох)дан бир жуз унда ҳулул килган деб иддао қилар, у эса бу холи билан илоҳлик даъвосида эди. Баъзилари уни Аллохнинг бир валий бандаси деб ҳисоблар, бошқа солих бандалар кўрсатган кароматларни бу ҳам кўрсатган деб таъкидлар эдилар. Яна баъзилари эса уни жалб килинган, атрофидагиларни алдаувчи, ёлгончи жодугар ва кохин, деб билиб, жинлар унга бошқа диёрлардан мева олиб келишини иддао қилар эдилар.

Хусайн ибн Мансур ал-Халлож Хуросондан Ироққа келган, у ердан Маккага кетган ва бир йил давомида Хижр маконида қолган эди. У ерда бўлган вақтида ёз-кийш пайти ҳеч

бир соя ёки пана жойга кирмасдан, доим рўза тутар эди. Хуфтон вақти яқинлашганда унга хизмат килувчи шахс бир мешк сув ва бир дона нон олиб келиб кўяр, у бу мешкдан сув ичар ва нондан факат уч лукма чакиб ейди, колганини эса эртаси кун шомгача яна емасдан тарк этар, яна рўза тутишга ният килар эди.

Ўша пайтларда Маккада сўфийлар шайхи Абдуллох ал-Магрибий эди. Мансурнинг бу ҳолатларидан хабардор бўлгач, одамларини йигиб унга зиёратга борган, аммо уни Хижрда топа олмаган. Каерда эканини сўраганда, Абдуллохга у Абу Кубайс тоғига чиқкани айтилади. Абдуллох ал-Магрибий ва одамлари бирга Абу Кубайс тоғига чикиб, Хусайн ибн Мансурнинг хузурига етиб бордилар.

Абдуллох уни пинхона, ёлғиз ҳолда бир тошнинг устида ўтирганини, боши очик ҳолда Аллохга илтижо килиб турганини ва танидаги тер ерни намлаб юбораётганини кўриб, ҳеч гап айтмай одамларини олиб кайтиб кетган ва шундай деган эди:

«Бу одам жуда сабрли экан, Аллохнинг қазосига чидаяпти ва У Зотдан кўркиб, такво қилияпти. Лекин Аллох уни юклай олмайдиган ва кўтара олмайдиган бир синов билан синаб кўяди».

Бир муддат ўтгандан сўнг, ал-Хусайн Бағдодга кайтган эди.

ал-Хусайн ибн Мансурнинг ўлдирилиши ҳақида шундай хабар ривоят қилинади:

У Бағдодга келганида баъзи одамлар вазир Хомид ибн ал-Аббосга Халлож бир гуруҳ ўликларни тирилтиргани, жинлар унинг хизматида бўлгани ва барча хохлаган нарсаларини дарҳол унга етказиб бергани ҳақида айтганлар. Улар, шу йўл билан Халлож халифанинг юқори даражадаги одамларига яқинлашиб, уларни ўзига тортаётганини вазирга етказган эдилар. Хатто ал-Хожиб Наср ва унга ўхшаган кишилар ҳам Халложга эргашгани ҳақида эшитган вазир Хомид, ал-Муктадир биллохдан Халлож ва унинг одамларини ўзига топширишини сўраган эди. Аммо Хожиб Хаср Халложни химоя қилган, вазир каттик туриб олганидан сўнг ал-Муктадир Халложни топширишни буюрган эди.

Вазир Хомид ибн ал-Аббос Хусайн ибн Мансур ал-Халложни ва “аш-Шимриййун” деб танилган унинг бир одамини ҳамда бошқа тарафдорларини қўлга олди. Ривоят қилинишича, бу одамлар Халложнинг илох эканига ишонган эдилар. Нихоят вазир Хомид ал-Аббос бу одамларни сўрок қилиб, улар ҳақиқатан ҳам Ибн Мансурнинг илох эканига ишонганликларини тан олдилар. Улар Хусайн ибн Мансурнинг ўликларни тирилтира олишига ишонган эдилар.

Халлож бу масалада сўрок қилинганида, у бундай даъволарни кескин рад этиб шундай деди: “Аллох сакласин! Мен қандай қилиб илохлик даъво қилай? Ёки қандай қилиб ўзимни пайгамбар деб айтай? Мен факатгина Жаноби Аллох (Жалла Жалалуху)га ибодат қилувчи бир бандаман!”

Шундан сўнг вазир Хомид қозилардан Абу Амр ва Абу Жаъфар ибн ал-Бахилийни,

шунингдек Багдоднинг таникли факихларини йигди ва улардан бу масалада фатво беришларини талаб килди, шунингдек гувоҳлар ҳам тайинлади. Аммо бу факих ва козилар шундай дедилар: “Хозирги ҳолатда у хакида ҳеч қандай ҳукм чиқариш мумкин эмас. Унинг ўлимига далолат қилувчи ҳеч қандай далил бўлмас экан, бу иш мумкин бўлмайди. Бу факатгина унинг ўз оғзи билан бирор гап айтишидан кейингина мумкин бўлади. Акс ҳолда, унинг хакида илоҳлик даъво қилди, деган гап уни ўлдириш учун далил бўлолмайди.”

Вазир Хомид Халложни камокдаги жойидан чиқариб, мажлисига олиб келар, уни гапга солишга уриниб кўрар, лекин Ислом шариати Халложни ўлдиришни мубоҳ қилиши учун етарли бўладиган ҳеч қандай сўз айтганини кўрмас эди.

Бу ҳол узок давом этди, вазир Хомид доимо Хусайн ибн Мансур билан банд бўлиб, уни ўлдириш йўллариини излаб юрар эди. Уларнинг орасида бу ерда келтирсак гап чўзилиб кетадиган анча воқеалар содир бўлди.

Нихоят, энг охирги ҳолатда вазир Хомид Хусайн ибн Мансур ёзган бир мактубни қўлга киритди. Бу мактубда шундай ёзилган эди: “Агар бир киши ҳаж қилишни хоҳласа-ю, унга имкони бўлмаса, ичида ҳеч қандай нажосат ёки ифлослик бўлмаган ва ҳеч қим қирмаган бир уйни танлаб, ҳаж мавсуми келганида, Маккадаги ҳажилар бажарадиган тавофдек бу уйнинг атрофини тавоф қилади. Тавоф тугагач, шундан етти нафар болани топиб, имкони борича уларга шу уйда таом беради ва ўзи шахсан уларга хизмат қилади. Таом тугагандан сўнг уларни яхши қийимлар билан қийдириб, ҳар бирига етти дирҳамдан берса, у ҳаж қилган бўлади.”

Бу мактуб вазир ҳузурида ўқилганида, қози Абу Амр Халлождан: «Бу мактубни қаердан олдинг?» деб сўради. Халлож эса: «Хасан ал-Басрийнинг “Қитоб ал-Ихлос”идан олдим», деб жавоб берди. Бунга жавобан қози: «Ёлгон гапиряпсан, қони мубоҳ бўлган! Биз Хасан ал-Басрийнинг “Қитоб ал-Ихлос” номли асарини Маккада эшитганмиз, сен айтган нарсалар унда йўқ», деб жавоб қайтарди. Қози Халложга «Эй қони мубоҳ бўлган!» деб мурожаат қилганида, вазир Хомид бу гапни дарҳол эшитди ва қозига: «Айтган гапларингни ёз», деди. Қози Абу Амр Халложни ҳимоя қилмоқчи бўлган бўлса-да, вазир Хомид уни шу сўзи билан маҳкум қилди. Шундан сўнг қози айтган гапларини фатво тарзида ёзди ва Халложнинг қони мубоҳ, деб топилди. Қозининг ёзганларига қўшимча равишда ўша мажлисда ҳозир бўлганлар ҳам бу масалада ўз фикрларини билдирдилар.

Халлож ўзи хакида ўлим фатвоси ёзилганини кўриб шундай деди: «Қоним сизларга ҳеч қачон ҳалол эмас. Диним Ислом ва мазҳабим аҳли суннат йўлидир. Мени ўлдиришингиз сизлар учун жоиз иш эмас. Мен Ислом ва аҳли суннат мазҳаби хакида қитоблар ёздим. Қонимни тўқишда Аллоҳ менинг вақилим бўлсин!» Унинг бу гаплари устига у ерда бўлганлар тарқалиб кетдилар.

Вазир Хомид халифага мактуб ёзиб, Халложни ўлдиришга рухсат беришини сўради ва қозилар ҳамда бошқалар томонидан берилган фатвони юборди. ал-Муктадир уни ўлдиришга рухсат берди ва вазир Хомид Халложни қўриқчига топширди. Қўриқчи унга мингта қамчи уришига қарамай, у ҳеч таъсирланмади. Кейин унинг бир қўли, кейин оёғи,

кейин иккинчи қўли ва иккинчи оёғи кесилди, охирида ўлдирилди ва жасади ёкиб юборилди. Тўлик ёниб кулга айланганидан сўнг, кули Дижла дарёсига сочилди. Калласи найзанинг учига илинди ва Багдодда кўрсатилди, сўнгра у ердан Хуросонга юборилди. Чунки Мансурнинг Хуросонда унга эргашган муридлари бор эди.

Халлож ал-Мансур ўлдирилганидан кейин, баъзи одамлар келиб шундай деган эдилар: «У ҳеч қачон ўлдирилган эмас, унинг бир ўхшаши от минган холда қўрилган, ва у қирк кундан сўнг яна чикиб келади.» Бошқаси эса шундай деган: «Мен уни Нахравон йўлида эшак миниб кетаётганини кўрдим.»

Хусайн ибн Мансур ал-Халлож ўлдирилишидан олдин ўз муридларига шундай дегани ривоят қилинади: «Сиз менинг ўлдирилишимга ва ўлишимга ишонган бу сизнинг одамлардек бўлмангиз.»

□ Ибн ал-Асирнинг «ал-Камил фи-т-Тарих» асаридан
Абу Муслим таржимаси